

HOPHAP XVPIII













ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ нашри •

2006 йил 1 сентябрь, жума •

ҚОНУНЧИЛИК ВА ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

35 (3669)-сон

PECTYSJUKACH MYCTAKHJUHTHUMT 15 MUTUTTA BAFALLARI TARTARAMI MAPOCIMIATU RYTKU

Ассалому алайкум, азиз юртдонлар! Кадрли ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халкимизни барчамиз учун энг улуг, энг азиз сана -Ватанимизнинг Мустақиллик куни, истиклолимизнинг 15 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун мамлакатимиз, халкимиз хаётида озодлик ва хуррият сахифасини очиб берган Мустақиллик кунини катта хурсандчилик ва ишонч билан нишонлар эканмиз, тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн беш йиллик тараққиёт йўлимиз давомида руёбга чиқарган орзуумидларимиз, амалга оширган ишларимизни бахолаб олишимиз, биз ким эдигу ким бўлдик, қандай эзгу мақсадларга эринмокчимиз, деган саволларни куйишимиз табиийдир.

Мустакиллигимиз йўл очиб берган маънавий хаётимизнинг юксалиши:

- хеч шубхасиз, ўзлигимизни англаш ва топталган қадр-қимматимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, мукалдас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг муътабар номларини жой-жойига қуйиш;

- миллий онг, миллий гурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг рухий ва мафкуравий оламини ўзгартирмокда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёкараш ва фазилатларга ўзгалар эьтиборини тортмокда, кучимизга куч, гайратимизга ғайрат қушмоқда.

Иктисодий хаётимизда:

- собик марказдан туриб режалаштирилган эскича тақсимлаш тизимидан, бирёклама ривожланган иктисодиётдан воз кечищ;

- бутунлай янгича, эркин бозор иктисодиётига ўтиш, таркибий ўзгаришлар, модернизация, хусусийлаштириш ва либераллаштириш мақсаллари сари, хусусий мулкнинг мавкеини оширишта қаратилган қатый ислохотларни олиб борин;

- энергетика ва ёкилги масаласида, ахолимизни галла, гушт ва сут махсулотлари билан таъминлаш сохасида мустакилликка эришиш;

- кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳарақат-

ларини устувор даражага кутариш, давлат ва жамият томонидан уларни химоя килиб, барча хукук ва эркинликларни яратиш, хар томонлама ривожлантириш учун кенг йўллар очиб бериш нақадар тўгри эканини бугун хаётнинг ўзи хар қадамда исботлаб турибди.

Бундай чукур ўйланган ва узокни кўзлатан, кенг куламда хаётта татбик этилаёттан ислохот ва янгиланиш жараёнлари охирги беш-олти йил давомида иктисодиётимизнинг ишончли ва барқарор сурьатлар билан ривожланишига, хаётимиз даражасини оширишта мустахкам замин барпо этмокда.

Юргдошларимизда эгалик хиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйготиш, шу замин обод ва унумли булиши учун қанча мехнатим сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат куради, деган туйгу билан яшаш одамларимизнинг хаётта ва мехнатта қарашини тубдан ўзгартирмокда ва диёримизнинг гуллаб-яшнаштига хисса қўшмокда.

Бугунги кунда давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг хаёти, хукук ва эркинлигини энг юксак қадрият ва бойлик деб англаш, щу бойликни асраш, химоялаш ва жамиятимиз хаётида энг устувор ўринга кўтариндай эзгу вазифаларни амалга ошириш Конституциямиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, суд-хукук тизимидаги ислохотларни айнан шу мақсадларға буйсундиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўз амалий натижаларини тобора купрок намоён этмокда ва халқаро майдонда тан олинмоқда.

Айникса, мамлакатимизнинг якин ва узоқ келажагини ўйдаб, инсонпарварлик ва олижаноб мақсалларимизни кузлаб, халқимиз ҳаётида мехр-оқибат ва мурувват, сахийлик ва мехрибонлик, миллатлар ва динлараро хурмат мухитини мустахкамлаш, махалла, кишлок ва шахарларимизда амалга оширилаёттан эзгу тадбир ва дастурларимиз ахолимиз, кекса ва ёщларимизнинг онгу тафаккурига, иймон-эътикодига кўрсатаёттан, хеч нарса билан солиштириб булмайдиган ижобий таъсирини хар қадамда куриб-сезиб турибмиз ва буларнинг барчасини юксак қалрлаймиз.

Юртимизда яшаёттан хар қайси оила ва фукаро, қолаверса, мамлакатимиз ва жамиятимиз истикболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу ин-

тилишни хаётта изчил татбиқ этаёттан умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Согликни саклаш ва Мактаб таълимини ривожлантирищ давлат дастурлари - узок кишлок ёки марказда бўладими — бугуннинг ўзидаёқ мохияти ва амалий самарасини курсатмокда. Ва уларнинг келажагимиз учун нақадар катта шқур, хеч кимга таслим булмаған улуғ ахамиятта эга эканини, ўйлайманки, хеч сохибкирон ва саркардалар. ким инкор этолмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида - буни барчангизнинг олдингизда, сизлар орқали бутун халқимиз олдида хисобот тарикасида айтмокчиман мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуг ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўгри эканини хаётнинг ўзи тасдиклаб бермокда.

Бугун бир хакикатни хеч иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор - қандай муаммо ва синовларни, кийинчилик ва тўсикларни енгишга тўгри келган бўлмасин, қандай тўфонли ва суронли кунларни бошимиздан ўтказган бўлмайлик, халқимизнинг хохиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораёттан йулимиздан қайтмадик ва хеч качон кайтмаймиз.

Азиз ватандониларим!

Бизнинг кузлаган мақсад-манзилимиз очик ва равінан - демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш; халкимизнинг хаётини хеч кимдан кам булмайдиган даражага кўтариш; жахон хамжамияти, яқин ва узоқ қушниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув хаёт кечириш.

Халкимизнинг асрлар давомида орзиқиб кутган ва интилиб ящаган мана шундай эзгу мақсадларидан, ўзини ҳар томондама оклаган истиклол йўлидан бизни оздириб, ортга қайтармоқчи, тахлика ва тахдид етказмокчи бўлган куч ва харакатларга — Ватанимизни кура олмайдиган ғанимларимиз, қўпорувчи ва тажовузкор кучлар бўладими, бизга тазйиқ, зўравонлик кўрсатиб, ички ишларимизга аралашишта, қандай яшашни ўргатишта қаратилган уринишлар буладими, экстремизм ва халкаро терроризм каби бало-қазоларни остонамизга олиб келишга уринаёттан кимсалар бўладими - қандай шақл ва ниқобни юзига тортмасин, ударнинг барчасига жавобимиз битта: бундай номаъкул интилишлар, қупорувчилик ва ёвуз ҳаракатлардан қайтинглар - ўзбек халқи хеч қачон, хеч кимга буйсунмаган ва хеч, қачон, хеч кимга қарам булмайди.

Бунинг исботи - биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жахон, бутун башарият тан олган улуг олим ва мутафаккирлар, дунёга ма-

Бунинг замини - кўпни кўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг хам адабини берган, бугун хам хушёр ва сезгир бўлиб, тинч хаёт кечираёттан бунёдкор халқимиздир.

Бунинг мезони - тинчлигимиз ва хавфсизлик химоясица, чегараларимизни дахлеиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва фидойилик мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва хар қандай зўравон босқинчиларга зарба беришта қодир булған Куролли Кучларимиздир.

Бунинг тасдиги - билаги, бели бакувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчиси, манаман деганлар билан ҳам беллашувга тайёр, халқимизнинг таянчи ва суянчи булмиш унибўсиб келаёттан фарзандларимиздир.

Азиз дустларим, қадрдонларим!

Бугун, мана шу шукухли айёмда юртимиз озодлиги на истиклолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўттан, шу йўлда кўп-кўп курбонлар берган ота-боболаримизнинг рухлари шод булмокда, десам, ўйлайманки, сизлар хам шу фикрга кушиласиз.

Бугун ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, барча ютукларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган азму шижоати улуг, фидойи ва олижаноб халқимизга бош эгиб таъзим қила-

Табаррук отахон ва онахонларимизга, хонадонларимиз кўрки бўлган мехрибон ва мунис аёлларимизга, навкирон ёппларимизга ўзимнинг самимий тилакларимни изхор этаман.

Барчангизга сихат-саломатлик, омад ва бахт, фаровонлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Оллох назари туппан юртимизни ёмон кўзлардан Узи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустакрилнигимиз абадий булсин!





2 Postda - 2006-yil 1-sentyabr idigiridigi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Б. МАТЛЮБОВНИНГ

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Узбекистон Республикаси ички ишлар идоралирининг барча ходимларини, Коровул қўшинларининг ҳарбий хизматчиларини, таълим муассасалари профессорўкитувчилари хамда тингловчи ва курсантларини, шунингдек, мамлакатимиз мустакиллигини ва элимиз тинчлигини химоя қилиб, хизмат бурчини бажариш чогида халок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини, ички ишлар идораларининг фахрийларини Узбекистон Республикаси мустакиллигининг 15 йиллиги байра-

ми билан самимий табриклайман.

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, конунчилик хамда хукук тартиботни мустахкамлашдек масъулиятли ва шарафли хизматларингизда зафарлар ёр бўлсин.

Сизларнинг барчангизга сихат-саломатлик, бахт-саодат, узок ва сермазмун умр, оилангизга тинчлик тотувлик ва қут-барака тилайман.

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ТАКДИРЛАНДИ

Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Мустакиллигининг 15 йиллиги муносабати билан хукукни мухофаза килиш органлари Мудофаа ва Фавкулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гурухи давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланди, фахрий унвонлар берилди. Мукофотланганлар орасида Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларидаги куйидаги ходимлар хам бор:





Усмонов Ахмад Тугилович - Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

II даражали «Шон-шараф» ордени билан:



Анарбаев Александр Зайнитдинович - Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Коровул қушинларининг ҳарбий кисм штаб бошлигининг ўринбосари.



Насриддинов Алишер Жалолович Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор



Никишин Геннадий Федорович Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Экспертиза ва криминалисти- хизмати батальони ка бўлими бошлиғи. милиционери.





Шевалдина Ирина Наримоновна - Узбекистон Республикаси ИИВ Марказий госпитали бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

«Жасорат» медали билан



Абдурахмонов Абдусаттор Эгамбердиевич - Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси патруль - пост хизмати батальонининг милиционерхайдовчиси.



Алимухамедов Руслан Иброхимович Тошкент вилояти Янгийўл шахар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили.



Бобокулов Музаффар Хурсанович Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост



Иброхимов Фаррух Фарходович - Кашқадарё ички вилояти ишлар бошқармасининг тезкор вакили.



Кодирова Гулнора **Ганиевна** - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошкармаси бўлими бошлигининг ўринбосари.



Косимов Давлатжон Шавкатович (мархум) - Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси йўл патруль хизмати бригадасининг катта инспектори.



Кидрячев Марат Мунирович - Корақалпогистон Республикаси Нукус шахар ички ишлар бўлимининг булинмаси ги кисмининг булинбошлиғи.



Киличев Эркинжон Дехконович - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг йўлпатруль хизмати инспектори.



Кутлимуродов Илхом Мадиёрович Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг булинмаси бошлиги.



Маманазаров Баходир Окбоевич - Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патруль пост хизмати батальонининг гурух командири.



Матсаидов Отабек Иўлдошевич - Хоразм вилояти Урганч шахар ички ишлар бўлими ёнгин хавфсизлима командири.



Рахматуллаев Отажон Садриддинович - Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошкармасининг катта тезкор вакили.



Олим Саидов Тўхтаевич - Навоий вилояти Кизилтепа туман ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори.



Анвар Умаров Исаевич - Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори.



Урмонов Анваржон Тўхтабоевич - Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги қисмининг таъмирловчи устаси.



Файзиев Борис Ахтамович - Самарканд вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили.



Хайдаров Бахтиёр Изомович - Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг катта тезкор вакили.



Хидиралиев Вали Комилжонович Тошкент шахар ички ишлар Бош бошқармаси бўлимининг катта тезкор вакили.



Юсупов Олимжон Жабборович (мархум) - Навоий вилояти Нурота туман ички ишлар бўлимининг бўлинма бошлиги.



«Шуҳрат»

Анвар Ахмедов Шамсиевич - Узбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдегерлик хизматининг Бухоро вилояти бўлинмаси бошлиги.



Губская Аллиса Владимировна Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тиббиёт бўлими терапевт шифокори.



Нежурин Сергей Викторович - Андижон вилояти ички ишлар бошкармаси экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари.



Решетников Владимир Владимирович - Узбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси катта терговчиси.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз - Мустакиллик куни арафасида барча соха вакилларини турли мукофотлар билан тақдирлаш анъанага айланиб қолған. Айниқса, хукуматимиз мукофотига лойик топилиш фахрлидир. Ана шундай бахтга мушарраф бўлган инсонлар қаторида ички ишлар идораларининг хам кўплаб ходимлари ва фахрийлари бор. Куни кеча республика Ички ишлар вазирлиги мажлислар залида хукуматимиз томонидан «Узбекистон Республикаси мустакиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан такдирланганларга мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз байроги ИИВ мажлислар залига тантанали равишда олиб кирилиб, Узбекистон Республикаси Давлат мадхияси янгради. Ингилишда республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов шундай деди:

- Аввало, мамлакатимизнинг барча гушаларида катта шодиёналар билан нишонланаётган, хаммамиз учун қадрли бўлган мустакиллигимизнинг 15 йиллиги байрами билан чин дилдан табриклайман. Истиклол ютукларини мустахкамлаш, Ватанимиз шон-шухратини юксалтириш, халкаро нуфузини оши-

риш, ислохотларни янада чукурлаштириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмокда. Бунинг натижаси ўларок, халкимизнинг турмуши фаровонлашиб, йилданйилга юртимиз обод бўлаяпти. Шу ўринда юксалишлар замири тинчлик, осойишталик экани, юртимиз барқарорлигини таъминлашда барча ички ишлар ходимларининг улкан хизмати борлиги ва саъй-харакатларимиз ўз эътирофини топаётганини таъкидлаб ўтмокчиман. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз тинчлик-осойишталикни сақлаш борасидаги амалга ошираётган иш-





ларимизга юксак ишонч билдириб, тизимда хизмат қилаётган

Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирладилар. Чуқур 1450 нафар ходимни - хурмат ва эхтиром ила

Ватанимиз мустакиллигини мустахкамлашга қушаётган хиссангиз. жамоат тартибини сақлаш, фукаролар хавфсизлиги, хукук-тартибот хамда конунчиликни таъминлаш борасида кўрсатаётган фидойилигингиз учун миннатдорчилик билдирмокчиман.

Шундан сўнг республика ИИВ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Сатторов «Узбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан такдирланган ходимлар рўйхатини ўқиб эшиттирди.

Вазир, генерал-лейтенант Б. Матлюбов гулдурос қарсаклар остида мукофотларни топшир-

Мукофотланганлар номидан сўз олган республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси ўта мухим ишлар бўйича катта терговчиси, полковник Қ. Султонова шундай деди:

- Бу кун кўплаб хамкасбларим қатори мен учун хам унутилмас бўлиб қолади. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни саклашта озми-кўпми хиссам қушилаётганидан фахрланаман. Менга берилган мукофот хизматларим меваси, деб била-

Шунингдек, республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Р. Равшанов, ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генералмайор F. Рахимов ва бошқа мукофотланганлар кўрсатилган эхтиром хамда билдирилган ишонч учун миннатдорчилик изхор этишди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қушиқлар даврага байрамона тароват багишлади.

Қобилжон ШОКИРОВ.



Кутлуг айём арафасида Президентимиз Фармонига кура эл-юрт тинчлигини таъминлаш йулида фидокорона хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари «Узбекистон Республикаси Мустакиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан такдирланди. Жойларда ушбу мукофотларни топширишга бағишланған тантаналар булиб утди.

Тошкент вилояти ички ишлар идораларида бенуксон хизмат қилиб, муносиб ютуқларни қўлга кириттан 36 нафар ички ишлар ходимлари «Узбекисгон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан такдирланди. Бошқарма мажлислар залида ўтказилган йигилишда бошқарма бошлиги, полковник М. Адилов ва тантанада иштирок этаётган республика Ички ишлар вазирининг биринчи ринбосари, генерал-майор F. Қодировлар ушбу мукофотларни тантанали равишда топширдилар. Хизматда ўрнак кўрсатган бир гурух ходимларга Вилоят ИИБнинг пул мукофотлари хам берилди.

> Ш. АНВАРОВ, капитан.

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошкармасида ўтказилган йигилишни бошқарма бошлиги, полковник М. Жабборов кириш сўзи билан очди ва тизим ходимлари, фахрийларни байрам билан самимий муборакбод этди. Вилоятда жиноятчилик ва хукукбузарликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини саклаш борасида ўрнак кўрсатган бир гурух ходимларга «Узбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони, бошқарманинг фахрий ёрликлари ва кимматбахо совгалари топширилди.

Ингилишда республика ИИВ ХЧК ва ФРБ бошлиги, полковник Б. Шорихсиев иштирок этди.

с. нормуродов,

майор.

MASMATTA

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси тизимидаги 38 нафар ходим хам ана шундай хурматга сазовор бўлди. Улар орасида вилоят ИИБ ЖК ва ТККБ катта тезкор вакили, подполковник Бахтиёр Муминов, вилоят ИИБ ЁХБ булинма бошлиги, майор Руслан Эшниёзов, Питнак шахар милиция булими Саримой қурғони милиция булинмаси бошлиги, майор Богибек Ражабов ва бошкалар бор. Мукофотларни топшириш муносабати билан ўтказилган тадбирда вилоят ИИБ бошлиги, полковник Самандар Полвонов сўз олиб, 15 йил давомида ички ишлар ходимлари томонидан амалга оширилган ибратли ишларга тўхталди ва халқ осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган посбонлар хизматига юқори бахо берди.

х. жабборов.

Хизмат химматга, химмат хурматга дахлдор, деган гап бор. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида эл-юрт осойишталиги учун фидойилик намуналарини кўрсатаёттан республика ИИВ ЖИЭББ тизимидаги бир гурух ходимларни «Узбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан такдирлаш маросими бўлиб ўтди. Респубдика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шодиев нишондорларни табриклаб, эсдалик нишонларини топшираркан, бундан кейин хам бурчга садоқат рухида хизмат қилиш давр тақозоси эканлигини уқтирди.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

Наманган вилояти ИИБда хизматда ўрнак курсатган ходимларга эсдалик-нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди. Йигилишни бошкарма бошлиги, генерал-майор А. Усмонов олиб борди. Мустакил юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка карши кураш, жамоат тартиби ва фукаролар кавфсизлигини таъминлаш йўлида фаоллик курсатаётган, вилоят ички ишлар идораларида халол хизмат қилиб, эл-юрт корига камарбаста бўлаётган 37 нафар ходим «Узбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан такдирланди.

Ф. МАМАЖОНОВ,

Айём муносабати билан Бухоро вилояти ИИБда хам тантанали йигилиш бўлиб ўтди. Бошкарма бошлиги, полковник Т. Саттаров шахсий таркибни мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан қизғин муборакбод этиб, ишларида улкан муваффақиятлар тилади. Шундан сунг вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, хукуқ-тартиботни мустахкамлаш, фукаролар хавфсизлигини таъминлашда юксак натижаларга эришган бир гурух ходимпарта «Узбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонлари топширилди.

э. Фозилов,

капитан.

Республикада тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда кўрсатаёттан фидокорона хизматлари учун хамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ички ишлар идораларида хизмат ўтаётган қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвонлари берилди:





Курбонов Нодир Азизович -Вазирлик ЖК ва ТККББ бошқарма бошлиғининг ўринбосари



Авазметов Юсупбай Кенджаевич - Вазирлик ЖК ва ТККББ бошқарма бошлиғининг ўринбосари



Шукуров Бобокул Нарзиевич - Вазирлик Назорат тафтиш инспекцияси бошлиги



Чиналиев Зокирали Ниязкулович - Вазирлик Махсус вазифаларни бажариш отряди командири



Тажимуратов Куанишбай Абдикаримович - Коракалпогистон Республикаси Кўнгирот тумани ИИБ бошлиги



Умаров Абдуазиз Абдусаттарович - Жиззах вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошкармаси бошлиги



Мирахмедов Мирсаид Исмаилович - Сирдарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, тергов бошкармаси бошлиги



Азимов Абдуманноб Хамидович - Сурхондарё вилояти ИИБ Ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи



Маннапов Равшан Джалилович - Тошкент шахар ИИББ Патруль-пост хизмати Бригадаси командири



Юлдашев Закир Исматуллаевич - Тошкент шахар Чилонзор тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, тергов бўлими бошлиғи



Сабидов Ильхом Абдухамидович - Фаргона вилояти ИИБ Ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи



Искандаров Октам Рустамович - Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиги



Агзамов Мурат Джураевич -Транспорт ИИБ Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиги



Адилкариев Ходжимурат Тухтамуратович - Вазирлик Акаде- вич - Вазирлик ҚҚББ Ахборотмияси кафедра бошлиги



Амбарцумян Вова Мовсесотахлил бўлими бошлиги

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ELERIA 1500 GRALERIA

«Билимга чанкок, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи килиб тарбиялаш мукаддас вазифадир» Ислом КАРИМОВ.

Истиклол - эрксевар халкимиз асрлар давомида куранниб ва нихоят кулга киритган энг улуг неьматдир. Мустакиллик боис, давлатимизни хар томонлама ривожлантириш сари эмин-эркин қалам қуйиш, харакат қилиш хуқуқига эѓа булдик. Мамлакатимизнинг истикболи янада порлок булиши учун бугун мустахкам пойдевор қуйишимиз керақ. Келажағимиз ёнілар кулида деймиз. Юрт такдири ва истикболини топширини учун аввало, уларга ҳар томонлама мукаммал тарбия ва мустахкам билим бе-

ришимиз керак. 111уни алохида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг

дастлабки йиллариданок Презилентимиз Ислом Каримовнинг рахбарлиги остина ёш авлод тарбиясига алохида эвтибор қаратилди. Купгина собик иттифокдош республикаларда олий ўкув паргохнари ёпилаёттан бир найтда, мамлакатимизда мавжуд иктисодий кийинчиликларта қарамай, кўплаб университетлар, институтнар, линей ва коллежлар очилди. Билим даргохлари учун янги куркам бинолар курилиб, энг замонавий ўкитині жихозлари билан гаъминланди. Хар йили ўнлаб янги мактаб бинолари курилиб, болажонларни багрига олаёттани ва бу улугвор инглар давом эттири-

лаеттани фикримизнингдапилидир. Бир сўз билан айтганда, мустакил юрт фарзангларининг хар томонлама баркамол бўлишлари давлаимиз рахбариятининг диккат марказила. Узбекистон Республикасининг «Таълим ўгрисида»ги Қонуни ва Калрлар тайёрлаш Миллий гастури мазмунига хам шу гоя сингдирилган.

Таълим ва тарбия хакила ган кеттанда аввало, мактаб, лицей ва коллежлар хамда олий ўкув юртларининг ўкув дастурлари бугунги кун талабига жавоб берадими, деган масала кундаланг булади. Бизфақат бугунги кун ташвиши билан яшашимиз керак эмас, эртанги кун учун пухта замин танерламогимиз шарт. Шуни хисобга оладиган булсак, билим даргохлари учун тузилган ўкув дастурлари узокни кўзлаб тайёрланган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан болалар мактабдан сўнг коллежларда ўзлари хохлаган касб буйича бошлангич билим оладилар. Бунинг афзал томони шундаки, олий ўкув юртларига мутахассисликдан дастлабки маълумотларга эга йигит ва қизлар ўкишта борадилар.

Тарбиянинг хар томон-

лама мукаммал булиши учун биз ёппларнинг маънавиятини ўстиришимиз дозим бўлади. Маънавияти юксак киши Ватанга, халкига, вазифаси ва бурчига содик булади. Юртимиз истикболи учун эса ана шунда фидойилар керак. Иймони бут, эътикоди мустахкам киши ҳар хил ғаламисларнинг чиркин гояларита ишониб, уларга эргашиб кетавермайди. Андижон вокеаларининг тахлили шуни кўрсатдики, экстремистик

гояларга ишониб, йўлдан адашганларнинг аксарияти мактабда, хунар-техника билим юртларида яхии ўкимаган, номига дарсга қатнашиб, аранг ўқишни битирганлардир. Шундан кўриналики, мукаммал билимга эга бўлмаган кишининг маънавияти хам паст бўлади. Экстремистик кайфиятдаги кимсалар айнан ана шундайларни танлаб, уларнинг миясини захарлаб, юртига, керак булса, ака-укаси, опа-синглиси, хатто ота-онасига хам қарши қуяди. Ана шунинг учун ҳам болалар, ўсмирлар ва ёппарнинг тарбиясида Ватанта, халққа мухабоат гояларини сингдириш асосий ўрин тутиши керак.

Мамлакатимизда хукукий-демократик давлат ва фукаролик жамияти куриш сари дадил харакатлар бормокда. Эртанги кун кишилари ўз хақ-хукуклари, вазифаси ва бурчини яхши биладиган булишлари лозим: Уларни ана шу йўлда тарбиялащда ички ишлар идораларининг ва ходимларининг хам ўрни бор, албатта.

Бунинг учун эса ички ишлар ходимининг ўзи хукукий билимларни мукаммал эгаллаган булини, давлатимизнинг амалдаги қонун ва қоидаларини яхини билиши талаб эпилали. ИИВ олий ўкув юртлари, жумладан Енгин хавфсизлиги олий техник мактабида хам хукукий фанларни ўкитишда амалдаги қонун ва қоилаларнинг амалиётда кулланилиш юзасидан атокли хукукшунослар, прокуратура ва суд идораларининг тажрибали ходимлари маърузалар билан чикишянти.

Таълим ва тарбияни мукаммаллаштириб бориш учун факат билим даргохдарида олиб борилаёттан харакатлар камлик килали. Узбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги Қонун ва Калрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилишида оила, махалладан тортиб, данлат идораларигача ўз хиссаларини кушишлари керак.

> Матрасул СОБИРОВ, юридик фанлари доктори, генерал-майор.

KAAP TOMAHAH

췙췙孋孋孋孋孋孋孋孋孋孋孋

Инсон хаётда эзгуликка интилиб яшайди. Хамюртларининг яхши-ёмон кунида камарбаста бўлади, жамият тараққиёти учун мехнат қилади, касбдошлар орасида обруэътибор топади. Уз касбини улуглаб, ҳаётининг энг мазмунли онларини юртга бахшида этиб, туну кун эл осойишталиги йўлида хизмат қилиб нафақага чиқишнинг ўзи катта бахтдир.

Куни кеча Р. Шредер номли республика богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг сўлим богида кўп йиллар ички ишлар идораларининг турли сохаларида хизмат қилиб, ўзининг ҳалол меҳнати билан хурмат ва қадр топган бир гурух ходимларни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Узбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, гене-F: Кодиров кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди:

Ички ишлар идораларида хизмат қилиб нафақага чиқиш

кунда тизимдаги маълу-

мотлар тўпламида 18 млн.

976 минг 938 нафар фу-

қаро тўгрисидаги паспорт

моққа боғланди.

хар кимга насиб этавермайди. Чунки ушбу шарафли касбнинг ўзига хос оғир томонлари хам борки, бундай қийинчиликларни енгиш хамманинг хам қулидан келавермайди. Зеро, Президентимиз эътироф этганидек, «хар бир милиция ходими аввало оддий инсон, аммо хар ким хам милиция ходими бўлолмайди».

Тадбирда шунингдек, республика Ички ишлар вазири ўринбосарлари, полковниклар Ш. Икрамов хамда Х. Ибрагимовлар сўз биринчи олиб, узок йиллар давомида касбини эъзозлаган фидойи ходимларга сихат-саломатрал-майор лик, бахт-саодат, оиласига қут-барака ва тотувлик тила-

> Шундан сўнг қирқ нафар ходимга вазирлик рахбариятининг совгаларини топшириш хамда миллий анъаналаримизга кўра тўн кийдириш маросими бўлди. Дастурхон атрофида ходимлар хизмат фаолиятидаги қизиқарли воқеаларни эслаб дилдан суҳбатлашдилар.

Таникли хонандалар Азим

Муллахонов, Анвар Ганиев, Авазбек Олимов, Камолиддин Мирсолиевлар ижросидаги дилрабо куй ва қушиқлар, айникса, қизиқчилар

Болтабой Тошматов ва Валижон Шамсиевларнинг ичакузди хангомалари тадбирга ўзгача файз олиб кирди.

Кимки халқига, юртига, астойдил хизмат қилса, Ватани учун жонини фидо қилишга тайёр турса, эл-юрт олдида доимо қадр топади, - деди ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор F. Рахимов. - Узок йиллар хизмат қилиб, ҳуқуқ - тартибот

ва қонунчиликни мустаҳкимланизда хисса қўшган, эндиликда нафақага кузатилаётган мазкур бир гурух ходимлар ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни узмайди деган умиддаман. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда барчалари яна фаол иштирок этиб, кўп йиллик тажрибаларини ишга соладилар ва ёш ходимларга кўмаклашадилар, албатта.

, Нафакага кузатилаётган бир гурух ходимлар ўзларига кўрсатилаётган бундай эхтиром учун вазирлик рахбариятига миннатдорчилик изхор этишди.

> Азизжон ФАЙЗИЕВ. Суратларда: тадбирдан лавхалар. Абу КЕНЖАЕВ олган

> > суратлар.



Мустакиллик йилларида Узбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чикиш-келиш ва фукароликни расмийлаштириш бошқармаси ахолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази томонидан талайгина ишлар амалга оширилди. Ушбу марказ бошлиғи, подполковник М. Каримов билан кейинги пайтда эришилган ютуклар хакида (

 Миржалол ака, аввало, республикамиз фуқароларига паспорт бериш жараёнини компьютерлаштириш ва мамлакат микёсида тармокланган компьютер мажмуасини яратиш хусусидаги саъйхаракатларга тухталсангиз.

сухбатлашдик.

- Утган давр мобайнида ахолини паспортлаштиришда автоматлаштирилган ахборот тизимини барпо этиш мақсадида Германиядан келтирилган компьютер техникалари, паспорт ёзиш курилмалари хамда Россиянинг LVS корпорацияси томонидан ишлаб чикилган дастурий таъминот хизматнинг барча тизимларига ўрнатилди. 1997 йил бошида ахолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди. Бунинг учун махсус ажратилган хоналар замон талаблари асосида таъмирланиб, сақлаш ва қайта ишлаш ни ўтказиш ва тезкорэлектр қувватини номи- йўлга қўйилди. Бугунги қидирув ишларида фойда-

алока воситалари ва қўриқлаш ускуналарини

нал даражада таъминлаш, ўрнатиш ишлари амалга



Марказ бошлиғи, подполковник М. Каримов катта инспекторлар, капитанлар Б. Кушназаров ва 3. Шоумаровлар билан иш жараёнида.

матлаштирилган уч боскичли паспорт тизими ишга туширилиб, фуқароларга шахсий рақамлар бериш, маълумотларни

тизимнинг маълумотлар тўплами доимий равишда тахлил қилиниб, тегишли хизматлар билан ҳамкорликда паспорт тартиботи-

маълумотлари жамланган. Шуни ҳам таъкидлаш лоланиб келинмокда. Айни зимки, хозирда ИИВ пайтда республикамизда Марказий аппарати хизбарча хукукни мухофаза матлари, республика Тақилиш идоралари ва МДХ шқи ишлар вазирлиги давлатлари хукуқ-тарти-Консуллик бошқармаси бот идоралари томонидан локал компьютер тармоги йўлланаётган 4 млн.га марказ билан ягона тарякин сўровномаларга жавоб бериш йўлга қўйилди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида автоматлаштирилган тизим орқали қандай вазифалар бажарилаянти?

- Ривожланган давлатлар паспорт тизимида эришилган ютуқлар ва дунёнинг турли худудларида юз бераётган террорчилик-қупорувчилик харакатларини инобатга олган холда фукароларнинг шахсини тасдикловчи беометрик маълумотлар киритилган электрон паспортларни яратиш устида изланишлар олиб борилмокда.

Тизимдаги мавжуд маълумотлардан жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни «иссигида» очишда самарали фойдаланиб келинаяпти. Шунингдек, бахтсиз ходиса ёки халокат юз берган

миз ўз Ватанларига қайтишини хужжатлаштиришда хам қул келмоқда. - Замон талабларига жавоб бера оладиган технологиялардан фойдаланиш учун ходимлариинг малакасини ошириш талаб этилади. Ушбу йўна-

лишда хам амалий ишлар

жойларда қурбонларнинг

шахсини аниклаш, хори-

жий юртларда паспорти-

ни йўқотган фуқаролари-

олиб борилаяптими? Республикамиз паспорт тизимини жахон андозаларига тенглаштириш учун ходимлар юкори билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим. Уларнинг малакасини ошириш мақсадида БМТнинг Узбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан чет эл ва МДХ давлатларига хизмат сафарига юборилмокда. У ерда вакилларимиз халқаро миграция ташкилотининг йигилишларида қатнашиб, хизматда қўлланилаётган янги технологиялар билан


> Сухбатни У. БОЛЛИЕВА ёзиб олди.

якиндан танишишаяпти.



Марказ ходимлари амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикрлашмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ



Тинч, осойишта юртдагина фаровонлик, тараққиёт, юксалиш бўлади. Бу борада мустақиллигининг ўн беш йиллиги кенг нишонланаётган республикамизда талайгина ишлар қилинди. Шулардан энг аввали изчил амалга оширилаётган ислохотлардир. Хусусан, ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар замирида миллий қонунчиликни яратиш, хукук-тартибот ишларини бевосита махаллаларда ташкиллаштириш, ахолининг хукукий онги ва маданиятини, фукаролар фаоллигини ошириш орқали хуқуқбузарлик хамда жиноятчиликка қарши курашувчи яхлит тизимни шакллантириш мақсади ётади. Милиция таянч пунктларининг бевосита ахоли гавжум жойларда барпо этилиши, профилактика инспекторларининг ўзиниўзи бошқариш органлари хамда жамоатчилик вакиллари билан муштараклиги ана шу йўлда қуйилган мухим қадамлардир, десак янглишмаймиз. Милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг махалла оқсоқоллари, фаоллар, махалла посбонлари, яраштириш комиссияси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлокий масалалар буйича маслахатчилар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари натижасида огир жиноятлар йилдан йилга сезиларли даражада камайиб бормоқда. Шу

йилнинг I чорагида рес-

публикамиздаги тўрт

мингга якин махаллада умуман жиноят содир этилмагани хам бунинг ёркин ифодасидир.

Жойларда фаолият юритаётган милиция таянч пунктларида ахоли, жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар туфайли жорий йилнинг ўтган даврида мингга якин жиноятларнинг олди олинди. Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган 896 нафар шахс қўлга

олинди. - Мен Америка Кушма Штатлари ва Узбекистон Республикасининг тажриба алмашиш Дастури бўйича полициячиларнинг Халқаро ассоциацияси томонидан ўтказилган ўкув-амалий машгулотларда қатнашиб, АКШ полицияси фаолияти билан яқиндан танишганман, - деди республика ИИВ ХООББ бошлиги ўринбосари, полковник Ш. Хикматов. Ушанда бевосита турар жойларда фаолият юритаётган хукук-тартибот ходимлари билан сухбатлашишимга тўгри келган. Хамкасбларимга махаллаларимизда фаолият юритаётган жамоатчилик ташкилотлари ва улар оила-турмуш доирасидаги хукукбузарликларнинг олдини олишда қай даражада кўмаклашишаёттани хакида гапириб берганимда биздаги ҳамжиҳатликдан лол қолишди. Бугунги кунда ота-боболаримиздан суяк суриб келаётган миллий қадриятларимиз қарор топган махаллаларимиз тинчлик,

осойишталик ва барқа-

рорлик қўргонига айлан-

Сохада эришилган ютуклардан бири профилактика инспекторлари халқ билан яқинлашди. Хозирда улар ўз худудларидаги фукароларнинг қувончи, дард-ташвишлари билан яшашмокда. Жойларда барпо этилган милиция таянч пунктларида ахоли билан ишлаш, уларнинг огирини енгил қилиш учун барча шароитлар яратилган. Профилактика инспекторлари ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бирга фаолият кўрсатишини таъминлаш максадида республика бўйича 80 фоиз милиция таянч пункти фукародар йигинлари билан бир бинода фаолият кўрсатиши йўлга қўйилган. Марказлардан энг олис қишлоқ, тогли худудларда жойлашган 88 фоиз маскан телефон алокаси, 747 таси қўзғалмас радиостанциялар билан таъминланган. Ахоли сони кўп, маъмурий худудлари огир махаллалардаги 239 та милиция таянч пунктига автомашина ажратилган, 413 тасида компьютерлар мавжуд.

Кейинги пайтда ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларида халк билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган, ҳар томонлама етук, жонкуяр профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига эришилаяпти. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматидаги бўш лавозимларни хозирги сержантлар таркибида хизматни ўтаётганлар орасидан касб махорати ва ахлокий сифатларга эга бўлган, олий маълумотли, малакали ходимлар билан жамлаш чоралари хам кўрилмокда. Профилактика инспекторлари ва вояга етмаганлар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари тест синовларидан ўтказилиши йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Бунда асосий эътибор хизмат кийимини кийиш тартибидан тортиб, интизомга риоя қилиш, худуддаги сиёсий-ижтимоий ва криминоген вазиятни, корхона, ташкилотларни билиши, сохавий хизматлар билан

хамкорлиги, хукукбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашдаги фаолияти, ахоли билан ишлаш лаёқати, маълумоти ва бошқа кўплаб жихатлари жиддий синовдан ўтказилмокда.

Хар йили «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танлови ўтказилаётгани нафакат профилактика инспекторлари фаолиятига бахо бериши, балки махалла ободлиги, фукароларнинг хукукий онгини оширишда хам катта роль ўйнамокда. Кейинги пайтда танловга «Жиноятчиликка қарши курашда энт фаол махалла оксоколи», «Энг фаол диний маърифат ва маънавийахлокий тарбия масалалари бўйича маслахатчи», «Энг фаол хотинқизлар кенгаши раиси» каби йўналишлар киритилгани фикримизнинг далилидир.

Келажагимиз фарзандларимиз қай даражада камол топишига боглиқ экан, бу борада болалар ва ўсмирлар ўртасида профилактик тадбирлар олиб бориш мухим эканлиги сир эмас. Милиция таянч пунктлари қошидаги спорт майдончалари, стадионларда болалар футбол, волейбол, баскетбол каби спорт турлари билан шу-

ғулланишаётгани, турли оммавий мусобақалар ташкил этилаётгани уларниннг бўш вақти мазмунли ўтишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида республикада вояга етмаганлар томонидан ёки улар иштирокида содир этилган жиноятлар сезиларли даражада камайди. Бугунги кунда республикамиздаги милиция таянч пунктларининг 79,2 фоизида спорт майдончалари, тўгараклар мавжуд. 2308 тасида турли касбларга йўналтирилган тўгараклар, 1863 тасида эса ёшларни фойдали мехнатта жалб этиш мақсадида ташкил этилган кичик бизнес-шохобчалар

фаолият юритмокда. Жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар дастлабки кўникмалар хосил қилиши учун уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, иш билан таъминлаш, оилаларидаги маънавий мухитни яхшилаш хам профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган. Бу бежиз эмас, албатта. Оила тинч бўлса, махал-

Махалла Т тинчлиги эса юртда осойишталик хукм суришига олиб келади. Буни чукур хис килган соха ходимлари жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар қайта жиноят содир этмаслиги, оилатурмуш доирасидаги ҳуҳуҳбузарликларнинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга

солишаянти.

ла тинч.

Сохада эришилаётган ютуқлар салмоқли. Шундай бўлса-да, хукуматимиз, республика Ички ишлар вазирлиги рахбарияти томонидан профилактика инспекторлари фаолиятини кучайтириш ички ишлар идораларида кечаётган ислохотларнинг мухим жихати эканлигини инобатга олган холда уларнинг сиёсий онги, савияси, касб махорати, малакаси, фукароларнинг хукук ва манфаатларини КОМИХ қилишдаги ролини янада ошириш учун бор чоратадбирлар кўрилмокда.

> Мухаббат ибрагимова, майор.



IPODMAAKTMKA HHCHEKTOPAAPH BAXCH

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Бухоро вилояти ИИБ тизимидаги милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ўртасида «Мен ўзбегим ўглониман» кўриктанлови ўтказилди.

Танловда иштирок этиш учун вилоят, шахар ва туманлар ИИБ ХООБ профилактика инспекторларидан буйбасти келишган, интеллектуал салохияти ва ташки кўриниши жихатдан хозирги кун талабларига жавоб берадиган ўн икки нафари танлаб олинди. Мусобақа шартларига кўра иштирокчилар спорт, табель куролидан отиш, уни тўликсиз кисмларга ажратиш ва йигиш, ошпазлик, рақста тушиш, эркин мавзудаги махоратлари, шунингдек, фаолиятларида учрайдиган хаётий лавхалар асосида ўзлари тайёрлаган сахна куринишларини намойиш этдилар.

Қизғин беллашувлардан сўнг Бухоро тумани ИИБ ХООБ 85-милиция таянч пункти профилактика.

инспектори, капитан Миржон Ахмедов голиб деп топилди ва рангли телевизор сохиби булди. Иккинчи уринни эгаллаган Когон шахар-туман ИИБ ХООБ 55-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Бахтиёр Бакаевга хам рангли телевизор топширилди. Учинчи ўринни қулга киритган Жондор тумани ИИБ ХООБ 104-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Мансур Жураев хамда Олот тумани ИИБ ХООБ 183-милиция таянч пункти профилактика инспектори Шухрат Эргашевлар DVD плейери билан такдирландилар. Қолған иштирокчиларга эса кимматбахо совгалар берилди.

Шунингдек, «Голиблик учун фаол курашчи», «Энг яхши хамкор махалла посбони сардори» «Энг садокатли она», «Энг садокатли рафика» йўналишлари буйича хам голиблар аник-

э. фозилов,

капитан



ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР


4 сентябрь - 10 сентябрь


«Россия», шанба 21.50

«БЕШИКДАН ҚАБРГАЧА» («ОТ КОЛЫБЕЛИ ДО могилы»)

Тони Фейт тудаси аъзолари Тайвандан қора олмос тошларни ўғирлашади. Аммо бойлик уларга фақат кўнгилсизлик олиб келади. Кимматбахо тошларнинг эгаси Линг Фейтнинг қизини ўгирлаб, жавохирларни қайтаришини талаб қилади. Аксига олиб тошларни энди маҳаллий мафия аъзолари ўгирлаб кетишади. Фейт қизини қутқариш ва ўзи хам омон қолиши учун тайванлик разведкачи билан тил бириктиришга мажбур...

Ролларда: Жет Ли, Энтони Андерсон, Марк Дакаскос.





НТВ, чоршанба 21.45. «АЖАЛ ҚУРОЛИ - 3» («СМЕРТЕЛЬНОЕ **ОРУЖИЕ** - 3»)

лан мукофотланганлар қаторида Навоий вилояти Кизилтепа тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор Олим Саидов хам «Жасорат» медали сохиби бўлди. Улуг айём арафасида Олим Саидов билан сух- г батлашдик.

- Олим ака, аввало мукофот муборак булсин.

- Табригингиз учун рахмат. Бу мукофот факат мен учун эмас, бутун жамоага берилган деб хисоблайман. Чунки менинг ютуқларимда бутун шахсий таркибнинг хам хиссаси бор.

- Айтинг-чи, дастлаб хушхабарни кимдан эшитдингиз?

- Кизилтепа тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Бахтиёр Саидов хушхабарни етказиб; табриклаганида кўзимга ёш қалқиди.

- «Устозсиз шогирд жонсиз кесак» деган нақлни қандай изохлайсиз?

- Азал-азалдан халқимизда фарзандини касбга йўналтиришда устанинг олдига олиб бориб, «эти сизники, суяги бизники» дея топшириш одати бор. Инсон бирор касбни этагини тутганидан кейин унинг сир-асрорларини ўрганиш ва пухта эгаллаш учун муносиб устоз топади. Хизмат фаолиятим даврида устозларим ви-

лоят ИИБ ЖК ва ТККБ биринчи бошлиги ўринбосари, полковник Ф. Кувондиков, Кизилтепа тумани ИИБ ЖК ва УЖККБ бошлиги, майор Ж. Аслонов, истеъфодаги подполковник Ж. Нажимов ва истеъфодаги майор А. Жумаевлардан олган билим хам тажрибаларни амалда қуллаб келмоқдаман.

- Профилактика инспекторининг хизмати хакида тухталсангиз.

- Кейинги йилларда бу хизматга катта эътибор бериляпти. Бугунги кун профилактика инспектори, аввало, хукуқбузарликларнинг олдини олиш, фукаролар хавфсизлигини таъминлаш учун фидойи бўлиши керак. Қолаверса, мамлакатимизда, вилоятда, туманда бўлаётган хар бир ўзгаришлар ва реал воқеаларни ахолига тўгри тушунтириш, омма билан ҳамнафас бўлиши керак. Ана шунда хизмат қилаёттан худудда обруэътибор топади. Узини четта олган ходимни халқ хам четга суриб қўяди.

 Хаётда амал қиладиган шиорингиз.

- Халол хизмат қилиш.

- Касбингиздан мамнунмисиз?

- Албатта. Айникса, хуқуқбузар, қоидабузарларни қўлга олганда, уларни тўгри йўлга солганда шу касбни танлаганимдан қувонаман.

«Консурун» махалласининг чекка ташландик жойларидан бирида эркак кишининг жасади, ундан сал нарида дарахтга урилган «Тико» топилди. Вокеа жойига тезкор-тергов гурухи етиб келди. Уларнинг таркибида мен хам бор эдим. Зудлик билан ишга киришдик. Мен бу ердаги махалла ахлини яхши билардим. Сўнгги икки-уч йилда бирор шубхали шахс кўринмаган эди. Шунда «демак, шу ерликлардан кимнингдир иши», деган фикр хаёлимга келди. Автомобиль ёнида бир пой туфли ётарди. Пойафзални кўздан кечирганимда унга янги мих қоқилганини пайқаб қолдим. «Тико»нинг ичида ҳам бир жуфт аёллар туфлиси топилди. Вақтни бой бермай, бар-

ча этикдўзларни суриштириб чикдим. Калаванинг учи топилди. Мазкур махаллада яшовчи этикдўз Б. Азиз айбини бўйнига олди. Маълум бўлишича, у «Тико» хайдовчисига пичоқ уриб, машинани хайдаб қочмоқчи бўлганида дарахтта урилган. Жиноятни топишда хисса қушганимдан эмас, вазифамни бажарганимдан хурсанд бўлдим.

- Хаётда нималарга қизиқасиз?

- Китоб ўкиш жону дилим. Бўш пайтларимда детектив асарларни мутолаа қилиб тура-

MaH.



Ота-оила устуни дейилади.

 Саволингизни тушундим, хизмат вақтимиз чегараланмаганидан уйда кам бўламиз. Лекин оилани ташлаб қуйиб булмайди. Оила бошқаришда турмуш ўртоғим Матлубахонга суянаман. У касбимни яхши тушунади, менга хар томонлама мадад бериб туради. Икки ўгил, икки қизни вояга етказмокдамиз. Катта ўглим Азизжон шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг тарих-хукукшунослик факультетини тугаллади. Қизим Азиза уй бекаси. Лазиза ва Авазбеклар мактабда ўқишади. Фарзандларимизнинг камолини кўриш

-Байрам тилакларингиз.

 Барча юртдошларни, шунингдек, ана шу қутлуғ айёмни тинч, осойишта ўтиши учун бел боглаган касбдошларимни чин қалбимдан табриклайман. Уларга ва оила аъзоларига бахт-саодат хамда мустахкам соглик тилаб қоламан. Истиклол куёши юртимиз узра абадий порлайверсин!

> Сухбатдош Азизжон ФАЙЗИЕВ.

СПОРТ

Мустакиллик йилларида спортта берилган катта эьгибор туфайли жахон спорт ареналарида юртимиз байроги баланд кутарилиб, мадхиямиз баралла янгради. Жумладан, «Динамо» ЖТСЖда хам ўзбек спортининг шухратини оширганларнинг саногига етиш кийин. Уларнинг истикдол йилларида эришган ютуқларини алохида таъкидлаш лозим. Фристайлчи Лина Черязова мустакил республикамизнинг биринчи жахон чемпиони сифатида тилга олинади. Олимпиала солномасига дастлаб эркин кураш буйича Махарбек Хадарцев, боксчимиз Мухаммадкодир Абдуллаев, полвонларимиз Артур Таймазов, Александр Дохтурашвили номлари зархал харфлар билан битилган. Армен Багдасаров, Магомет Ибрагимов кумуш медал билан такдирланишди. Сергей Михайлов, Рустам Саидов, Уткирбек Хайдаровлар эса шохсупанинг фахрли учинчи погонасита кутарилинди. Ички инглар ходимларидан Абдулла Тангриев, Акобир Курбоновлар спортнинг дзюдо, юнон-рум курании ва миллий кураш буйича жахон чемпиони буллилар.

Албатта, бундай ютукларни бевосита мустакиллик билан боглаш ўринлидир. Эришган натижалар ўзимизники, энди уни янала яхшилаш учун мураббий ва мутахассисларимиздан купроқ саъй-хара-

> кат хамда изланиш талаб этилади. Хозирда мураббий ва спортчиларимиз учун кент имкониятлар

яратині мақсадида замонавий спорт анжомлари харид қилиняпти хамда кўплаб спорт иншоотлари курилянти. Республика «Динамо» ЖТСЖ томонидан бир неча ўнлаб хаяқаро тоифадаги спорт усталари етиштирилмокда. Шуни алохида таъкидлаш жоизки, динамочилар 200га якин халқаро мусобақаларда, (Жахон ва қитъа чемпионатларида) қатнашиб турли совринларни кўлга киритишди.

Спортнинг оммавий тус олишига эътибор туфайли хозирда жойлардати «Динамо» жамиятлари таркибида 393 та жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмокда. Уларда хукукни мухофаза килиш ходимларининг турт минг нафардан зиёд фарзандлари спорт билан мунтазам шугулланишади. Бу эса ўз навбатида, ёш авлодни соглом ва бакувват килиб вояга етказишда асосий дастак булмокда.

«Динамо» Шунингдек, ЖТСЖнинг ташаббуси билан ички инглар идоралари ўргасида мунтазам равинца футбол, волейбол, ўк отиш, кўпкураш, енгил атлетика, самбо, кул жанги каби спорт турлари буйича спартакиадалар утказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ўз навбатида ходимларнинг хар томонлама етук булишила мухим омил булмокда.

Ф. АЗИЗОВ.

Иброхим ака ўғли Баходирга доим тетик ва чаққон булиш учун спорт билан шуғулланиш лозимлигини уқтиришни канда қилмади. Шу зайлда болада спортнинг эркин кураш турига қизиқиши ортиб, буш вақти булди, дегунча машқ залига йўл оларди. Қарши шаҳар «Локомотив» спорт жамиятига қатнай бошлагач, олган илк сабоқлари ўз самарасини кўрсатди. 1989 йилда вилоят микёсида ёшлар ўртасида ўтказилган эркин кураш мусобақасида ўн беш ёшли Баходир ўз тенгкурлари орасида 3-ўринни кўлга киритди. Уша пайтда ички ишлар ходимларининг хам машгулотларга қатнашини кўриб, Баходирнинг қалбида бу хизматга бўлган қизиқиш уйғонди.

ТИНИМСИЗ машклар самараси

Урта мактабни аъло бахолар билан тугатган Б. Хушманов Қарши Давлат университетига хужжат топшириб, талабалар сафидан ўрин олди. Укиб юрган кезлари ҳам спорт унинг доимий ҳамроҳи бўлди. Уҳишни тугатиб ҳарбий хизматни ўтади. Хизматдан қайтгач, дилига тугиб қўйган орзуси яъни, ички ишлар идораларида ишлашини отасига айтди. Уғлидан кунгли туқ ота унга ок фотиха берди.

Дастлаб вилоят ИИБ ЖИЭБ муассасасида туркум бошлиги булиб иш бошлади. Махкумлар билан ишлаш, кўнглига йўл топиш, уларнинг ички кечинмаларини ўрганиб тузалиш йўлига ўтишига кўмаклашади. Унинг ўз устида ишлаши ва спорт билан мунтазам шугулланиши хизматда ҳам қўл келди.

Вилоят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг воха хукукни мухофаза қилувчи идоралари ўртасидаги мусобақаларида фаол иштирок эта бошлади. Тинимсиз машклар ўз самарасини берди. 2004 йилда ўтказилган кўл жанги мусобақасида ғолиблик шохсупасининг юқори поғонасини эгаллади. Шу турнирда миллий кураш йўналиши бўйича эса фахрли 3-ўринни кўлга киритди. Жорий йилдаги мусобақаларда эса яна қул жанги мусобақасида 3ўринни банд этди.

- Бундай муваффакиятларни кўлга киритишимда устозим, вилоят ИИБ ХООБ бошлиги ўринбосари, подполковник И. Тўхтамишевнинг алохида хизматлари бор, - дейди лейтенант Б. Хушманов. - Миллий кураш сирларини мукаммал эгаллашимда яқинда ёрдамлашяпти.

Вилоят ИИБ ЖИЭБда тезкор вакил лавозимида хизмат қилаёттан лейтенант Б. Хушманов машгулотларга қатнаб маҳоратини янада оширишяпти. Унинг ишга янги куч ва ғайрат билан киришиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётгани алохида эътирофга лойиқ.

ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

Тиббиёт, согликни сақлаш масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келган. Мустақиллик йилларида республикамизда ахоли саломатлигини мустахкамлаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, фукароларнинг жисмонан соглом бўлишлари учун қатор қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижобат бўлиши учун давлат хазинасидан зарур бўлган маблаг ажратилди. Айникса, «Сихат-саломатлик йили» хамда унинг давомчиси бўлган «Хомийлар ва шифокорлар йили»да муайян ишлар амалга ошириляптики, бу аввало, инсонлар саломатлигини мухофаза этиш учун хизмат қиляпти. Шу ўринда, ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини сақлаш йўлида мустақиллик йилларида алохида эътибор берилганини айтиб ўтиш жоиз.

Фикримизнинг далили учун айрим рақамларни келтириб ўтамиз. 1990 йилда вилоятлар ИИБлардаги тиббиёт хизматларида санокли шифокорлик мутахассисликлари тиббий ёрдам кўрсатилган. Баъзи бир касалликлар бўйича эса бемор ходимлар Согликни саклаш вазирлигига қарашли сихатберди. Эндиликда ички ишлар ходимлари касалликларни аниклаш ва даволаш учун мутахассис шифокорлар етарли даражада жамланган.

ИИВ поликлиникаси учун хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган ўндан ортик тиббий жихозларнинг келтирилиши, хо-

ИИВ, Тошкент шахар ИИББ ва бир катор вилоятлар ИИБ поликлиникаларида хизмат кўрсатиш бир неча баробар кенгайтирилгани боис, янги замонавий биноларга кўчирилди. Тиббий текшириш, тахлил, муолажа турлари оширилди. Поликлиникалар замонавий тиббий ас-

0000000000000

га кўчирилиши билан ўринлар сони ощди. Яна бир неча турдаги касалликларни даволаш учун имкон яратилди. Денов, Бекобод ва Охангарон шахарларида амбулаториялар ишта туширилди. Тошкент туманидаги «Узбекистон» ва Наманган вилоятидаги «Косонсой» санаториялари таъмирланди, кенгайтирилиб, даволаш турлари кўпайтирилди. Нукусда Корақалпогистон Республикаси ички ишлар ходимлари учун согломлаштириш маркази очилди.

Утган давр мобайнида

гохларга мурожаат этиш-

ган. Мустақиллик йилларида барча вилоятлардаги тиббий хизматлар бўлимларга айлантирилди, кўп жойлардаги поликлиникалар учун янги бинолар қурилди, қушимча штатлар киритилди. Шифокорлар, хамширалар сонининг кўпайтирилганлиги беморлага кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларини кўпайтириш имконини

димларнинг касалини тезда аниклаш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўл келяпти. Стоматология поликлиникаси мустакил равищда фаолият юритаётгандан бери, у республикамиздаги турдош сихатгохлар ичида хар томонлама илгор даволаш муассасаларидан бирига айланди.

Утган даврда Корақалпогистон Республикаси боб-ускуналар билан жихозланди. Масалан, Сирдарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими учун Гулистон шахридаги қаровсиз ётган бино қайта таъмирланиб, жихозлаб берилди. Яна бир эътиборли томони, бу ерда поликлиника билан бирга, касалхона хизмати хам йўлга қўйилди. ИИВ Марказий шифохонасининг янги маскан-

ИИВ тизимидаги мавжуд поликлиника ва шифохоналар учун жахон тиббиётида қулланилаётган замонавий эндоскопия, ультра товуш текширув, энцифалограф, компьютер томограф каби ускуналар билан жихозланди. Кардиология, эндокринология, травмотология, гинекология, дематовенерология, урология, нейрохирургия каби мутахассисликлар бўйича хизматлар йўлга қўйилди.

Беморларга хизмат кўрсатиш турлари ва даражасини кўтариб бориш мақсадида шифокорлар сонини купайтириш ва уларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Жами шифокорлар сони 1990 йилга нисбатан 507 нафардан 875 нафарга ощди. Олий тоифали шифокорлар 10 нафардан 107 нафарга етди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт сохасида амалга оширилган ишлар, қўлға киритилган ютуқларни яна санаб чикиш мумкин. Энг мухими, бу тармоққа эътибор кучайтирилди. Шунга жавобан, биз шифокорлар бор кучгайратимиз, билим ва махоратимизни ички ишлар ходимларининг саломатлигини сақлаш, турли касалликларга чалинишининг олдини олиш учун курашта сарф этаверамиз.

> А. АМИНОВ, ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖ МАТБУОТИДА

Туркияда нашр этилувчи «Диалог Евроосиё» журналининг охирги сонида таникли журналист, ушбу мамлакат Журналистлар жамғармаси рахбарларидан бири, «ДА» журнали эгаси Эркам Тўфон Айтавнинг «Узбекистон: мустакилликнинг 15 йили» сарлавхали катта мақоласи эълон қилинди. Унинг таржимасини муъжаз қисқартиришлар билан эътиборингизга хавола этмокдамиз.

2006 йилда Узбекистон мустақиллиги эълон қилинганига 15 йил тўлади. Тарих ўлчамидаги ушбу қисқа давр мобайнида мамлакат улкан йўлни босиб ўтди. Хукукий дунёвий давлат, фукаролик жамиятини барпо этиш учун керак бўлган конституциявий-хукукий асос яратилди, мамлакат тараққиётининг стратегияси белгилаб олинди.

Бозор иктисодиётига боскичма-боскич ўтиш ва бу жараёнда кучли ижтимоий сиёсатни таъминлаш, яъни миллий тараккиётнинг "янгисини курмай, эскисини бузмаслик" тамойилига асосланган эволцион йўли давлат фаолиятининг асосий йўналишларига айланди.

Узбекистон мустақиллигининг илк кунлариданок инсон манфаатлари ҳаҳида ғамхўрлик қилиш, жамиятнинг барча сохаларини демократлаштириш Президент И.А. Каримов сиёсатининг устувор йўналишлари бўлди.

Мамлакат бутун дунёда тан олинган ва милий тикланиш стратегиясининг ажралмас концепцияси бўлган «ўзбек модели» тамойилларига асосланган холда тараққиёт йўлига чикиб олди. Мустакиллик йилларида И.А. Каримовнинг қатьий ва изчил сиёсати шарофати билан жахон маданияти, илми ва дини тараккиётига муносиб хисса кушган аждодларнинг бой маданиймаънавий мероси чукур ўрганилди ва қайта тикланди.

Узбекистонда демократик давлат барпо этиш йўлидаги ислохотлар жараёни давом этмокда. Мамлакат Президенти томонидан «Узбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш» ва «Қамоққа олишта санкция бериш хукуқини судларга ўтказиш тўгрисида» ги Фармонлар қабул қилинди. Суд-хуқуқ тизимдаги ислохотлар мамлакатда амалга оширилаётган ва хар бир фукаро хамда демокра- тика, халкаро савдо ва бошка ланмокда.

тик-хукукий давлатни барпо этаётган халқнинг фаровонлигини таъминлашни максад қилган ўзгаришларнинг уйғун бир кисмидир.

Марказий Осиёдаги 60 миллион одамнинг салкам Узбекистоннинг ташки сиёсий стратегиясидаги асосий максадлардан бири - бу қушни мамлакатлар билан бир қаторда халқаро сиёсат ва иктисодиётда энг мухим роль ўйновчи дунё куч марказлари билан дўстона ва амалий рухдаги муносабатларда бўлишга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш.

Узбекистонинг Осиё ва Тинч океани, Жануби-Шаркий Осиё ва Жанубий Осиё минтакаси давлатлари билан бўлган муносабатлари жадал ва изчил ривожланмокда.

Мамлакатнинг жахон майдонидаги нуфузи, халқаро ва минтакавий ташкилотлардаги ташки сиёсий фаоллиги ва ахамияти жадал юксалиб бормокда. Узбекистон халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, ИКТ, ШХТ ва ЕврАз-ЭС ишида фаол қатнашиб келмокда. Узбекистоннинг ШХТдаги иштироки унинг ташки сиёсатидаги мухим йўналишлардан бири бўлди. Мамлакатнинг ЕврАзЭСга аъзо бўлиб кириши минтақа давлатлари учун транспорт коммуникациялари, энерге-

сохаларда йирик лойихаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш нуқтаи назаридан мухим ахамият касб этади.

Тошкент «очиқ эшиклар сиёсати»ни амалга ошириб, барча мамлакатларга тенг ярми истикомат килувчи хукуклилик ва ўзаро манфаатлилик тамойиллари асосида фаол хамкорлик қилишни, доимий мулокот учун очик муносабатларни қўллаб-қувватлашни таклиф этмокда.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, хорижий сармоядордлар учун яратилган қулай шароитлар мамлакатнинг келгуси иктисодий тараккиёти гаровидир. Мустақиллик йилларида иктисодиётга жалб этилган хориж сармояларининг умумий хажми 16 миллиард АКШ долларидан ошди.

Бугунги кунга келиб, мустакиллик қўлга киритилганидан сўнг мутаносиблашган иктисодий сиёсат туфайли Узбекистон тарихан қисқа вакт мобайнида иктисодиётнинг барча тармокларида туб ўзгаришларга эришганй ва жахон хамжамиятида муносиб ўринни эгаллаганини ишонч билан қайд этиш мумкин.

Республика ўзининг галла ва энергетика мустакиллигини таъминлади, саноат ишлаб чикариши хажми кўп маротаба ўсди, машинасозлик, авиация, тог-кон ва автомобилсозлик саноати юкори суръатларда ривож-

Бой минерал-хомашё захиралари, юксак ишлаб чиқариш ва интеллектуал салохият, шунингдек, мамлакатда яратилган сармоявий имкониятлар барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси бўлиб хизмат килди.

Узбекистон рахбарияти томонидан бозор ислохотларини чукурлаштириш ва иктисодиётни янада эркинлаштириш юзасидан белгиланган вазифалар, хусусий секторни ривожлантиришта қаратилган қулай шарт-шароитларни яратиш, солик бошкарувини такомиллаштириш, банк секторини ислох килиш мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига ижобий таъсир ўтказгани 2005 йил натижаларидан кўриниб турибди.

Ялпи ички махсулотнинг 7 фоизга, саноат ишлаб чикариши 7,3 фоизга, кишлок хўжалиги 6 фоизга ўсди, давлат бюджети 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. 2005 йилда махсулот экспорти хажми 11 фоизга ошгани мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг мухим натижаси бўлди. Ташки савдода мустақиллик йилларидаги энг катта - 1,3 миллиард АКШ долларига тенг бўлган ижобий сальдога эришилди, олтинвалюта захиралари 1,3 баробарга ўсди.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар Узбекистондаги ўзгаришлар кенг кўламли экани оширилаётгани, уларнинг самарали бўлиб, изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолат беради. Ракам ва фактлар эса ислохотлар нотекис сакрашлар эмас, балки боскичма-боскич равишда амалга оширилаётганини кўрсатиб турибди.

> «Жахон» АА. Анқара.

шон шахрини олтинтопарлар юрти хам дейшиади. Республикамизнинг иктисодий салохиятини юксалтиришга салмокли хисса құшаётган бу заминда 68 мингдан ортиқ ахоли яшайди. Қизилқум бағрида бунёд бўлган мўъжаз шахарни сахро ўртасидаги қасрға қиёслаш мумкин. Замонавий куринишда қад ростлаган иншоотлар, куп қаватли тураржой бинолари, теварак-атрофга тароват бахш этаётган фавворалар-у хушманзара дарахтлар бунёдкорлик ва яратиш ишқи билан яшаётган зарафшонликларнинг фидойи мехнати махсулидир.

Кексаларимиз тинчлик, осойишталик бор жойда кутбарака, фаровонлик бўлади, деб бежиз айтишмаган. Мустакиллик йилларида равнак топиб, истикболга юз туптан кончилар шахри байрам арафасида янада файзли, тароватли тус олган.

 Мустакиллигимизнинг 15 йиллигини яхши ниятлар билан қарши оляпмиз, дейди Зарафшон шахар ИИБ бошлиги, подполковник Р. Турсунов. - Максадимиз элимизнинг энг улуг, энг азиз байрамини муносиб ютуклар билан кугиб олиш. Айни вақтда худудда барқарор вазиятни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва халк-

амалга оширилмокда. «Ун марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» дейдилар. Шу ақидаға амал қилиб, патруль автомашинасила йўлга чикдик. Байрамни кўнгилли ўтказиш, жамоат тартибини саклаш, хавфсизликни таъминлаш максадида ходимлар кучайтирилган тартибда

аро терроризмга қарши

кураш борасида кенг

қамровли тадбирлар

хизмат ўташмокда. Ногох автомашина алока воситасидан навбатчининг ташвиш-

дилар.

келади.

АЪЛО УКИШ

БУРЧИМИЗ

ғилганман. Ойим қадаминг қутлуғ келган қизим,

сен туғилган йили халқимизнинг асрлар буйи қил-

ган орзуси ушалиб, эркинликка эришганмиз, дей-

устозлардан эшитиб англаб етдим. Хар ким дунёда

гимиздан фахрланамиз. Бизнинг соглом ўсиб, би-

лим олиб, бирор касбни эгаллаб, етук мутахас-

сис бўлишимиз учун катта имкониятлар яратиб

бериляпти. Бунга жавобан аъло ўқиб, билимлар-

мизнинг истикболи унинг кудратини ошириш йўли-

да хизмат қилаётганлар ҳақида жўшиб-жўшиб ёзгим

лардан кўп эшитаман. Уларнинг сўзларини тинглаб

туриб, истиклолга бўлган ғурурим ошади. Уни мус-

тахкамлаш, давлатимиз қудратини ошириш йўли-

да мен ҳам ҳисса қушаман дея аҳд қилдим.

Келажакда журналист бўлиш ниятим бор. Юрти-

Мустакиллик элимизга нима берганини катта-

эмин-эркин яшаши керак, албатта.

ни пухта эгаллашимиз керак.

Мустақилликнинг нима эканини мактабда ўқиб,

Мен ва тенгдошларим бахтиёр авлод эканли-

Мен юртимиз истиклолга эришган йили ту-

ли овози эшитилди: «Барча постлар диккатига! 11-12 ёшлардаги Умиджон исмли бола қидирилмоқда. Эгнида

оёгида резина шиппак бўлган»... Мавжуд маълумотларга қараганда Самарқанд вилояти, Нарпай туманидан мехмон бўлиб келган Умиджон кўчага чикиб, кайтиб келмаган. У шахарни яхши билмаганлиги боис, адашиб қолган булиши эхтимолдан холи

эмас.

яшил футболка, калта шим,

Хадемай окшом тушади. Хабарнома бўйича зудлик билан тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилди. Кўп ўтмай Зарафшон шахар ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, капитан Уктам Тулаев алоқага чиқиб, шахарнинг гавжум жойларидан бири бўлган «Мўьжизалар майдони» дехкон бозори ёнида қидирилаёттан бола топилганини маълум килди. Умиджон якинлари багрига қайтди.

- Бу ерда 35 дан ортик миллат вакиллари истикомат қилади, - дейди ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник И. Ризакулов. -Улар ўртасидаги ахиллик, хамжихатликка хавас қилса арзийди. Халқимизнинг рухи тетик, нигохларида эртанги кунга, истикболга ишонч

балқийди. Шундай бўлиши табиий. Хонадонлари обод, туй-хашамлар қилишяпти. Буларнинг хаммаси тинчлик-хотиржамлик, қолаверса, халол мехнат самарасидир. Аммо гуруч орасидаги курмакдек, ишламай тишлашни хохловчилар, осон йўл билан бойлик орттиришта интилувчилар хам учрайди.

Шу йил 24 июль куни шахар телекоммуникация бонглиги А. Абдурахмонов мурожаат қилиб, номаълум шахслар тунда 2-кичик туманда жойлаштан 3-уй ертуласидан 120 метр, нархи 326 минг сўмликдан ортик алоқа кабелларини ўғирлаб кетишганини билдирган. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида жиноят қисқа фурсатда фош этилди. Кабель ўгриси 1984 йилда туғилган 3. Шерзод

эканлиги аникланди. Халқимизда «Бировнинг моли буюрмайди» деб топиб айтилган гап бор. Мукалдам судланган Қ Дилшод талончилик йўли билан бўлса-да ўзганинг мулкига эга чикишдан ор қилмайди. Тоғни урса толқон қиладиган бу йигит

якинда Я. Ивановнинг тахминан 130 минг сумлик уяли телефонини олиб кочган. Ходимларнинг саъйхаракатлари билан бу жиноят хам «иссигида» очилди. Бунда патруль-пост хизмати милиционерлари, кичик сержант Д. Кудратов ва сержант Н. Очиловларнинг хиссаси катта эканлигини бошқарма рахбарияти алохида

эьтироф этди. — Шу йилнинг ўтган даврида биргина патруль-пост хизмати ходимлари томонидан 34 та жиноят фош этилди, - дейди Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд командири, майор Т. Болгаев. Бошка хизматлар билан хамкорликда очилган жиноятлар сони 76 тани ташкил этди. Шунингдек, 1122 нафар фукарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилли, 1152 нафар шахс реабилитация марказларига олиб борилди. Ходимларимиз байрам кунларида янада катта масьулият ва фидойилик билан хизмат ўташмокда. Максадимиз - элимизнинг байрамлари тинч ўтиб, юртимизда осойишталик барқа-

рор булсин.

Зарафшонга оқшом тушди. Электр чироклари нурида сокин шахар янада жозибали кўринади. Кун ташвишларини унутган юртдошларимиз хонадонларида хотиржам дам олишмокда. Хавотирга хожат йўқ. Уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга масъул бўлган йигитлар бедор, кунни тунга, тунни эса тонгта улаб хизмат ўташаяпти. Улар бор экан, осмонимиз мусаффо, юрт обод булаверади.

Нигора РАХИМОВА, майор.



СЎЗ - МУСТАКИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИГА

Якинда ўн беш ёшга тўлдим. Бувамлар жуда бахтли замонда туғилгансан, бу кунларни орзу қилиб ўтганлар қанча эди, дейдилар. Истиқлолиинг қадрига етгин десалар, бунинг учун нима қилишим керак, дея савол бераман. Мактабда яхши укигин, бирор касбиинг этагини тутиб, эл-юртга нафинг тегсин, халқ учун хизматда бул дейдилар.

KHAGAM AEHMAH

Мактабда устозларимиз, сизларнинг билим олишларингиз учун хукуматимиз хамма шарт-шароитни яратиб беряпти, дейишади. Тўгрида, биз болалар учун ҳамма нарса муҳайё ҳилиняпти. Биздан эса одобли булиб, аъло бахоларга укиш талаб этилади. Узим спортга жуда қизиқаман. Маҳалламизда болалар учун футбол майдони қурилган. Маза қилиб туп тепамиз. Кураш, теннис тугараклари хам бор.

Келажакда учувчи булиб, улкан самолётларни бошқаришни орзу қиламан. Учувчилар, самолётлар хакида кино ва кўрсатувларни хар канча кўрсам хам зерикмайман. Республикамиз байроги ва герби туширилган, «Узбекистон» деб ёзилган самолётда бутун лунёни кезиб чикиб, юртимизни оламга кўз-кўз қилиш ниятим бор.

Хожиакбар ИБРАГИМОВ, Зангиота туманидаги 4-мактаб ўкувчиси.

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ катта инспектори, катта лейтенант Мухаммад САТТОРОВни тугилган куни билан самимий табриклаймиз. Хамкасбимизга узок ва мазмунли умр, сихат-саломатлик, оилавий бахт, хизматида улкан ютуклар тилаймиз.

Бош бошкарма рахбарияти ва шахсий таркиби.

БАЙРАМОНА

ҚУЙ. 21 март – 20 апрель

Хамкасблар билан якдиллик яхши самара беради. Ушбу ҳафтага белгиланган режаларни кўриб чикиш зарурати тугилиши мумкин. Иктидорингизни намоён этиш имконияти бор.

СИГИР. 21 апрель – 20 май

Мазкур хафтадаги хатти-харакатларингизни чамалаб кўришингиз зарур. Акс холда талайгина юмупіларни бажаришта улгуролмай қоласиз. Атрофингиздаги одамларнинг таъна-маломатларига колмаслик ўзингизга боглиқ эканлигини унутманг.



ажратинг.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май - 21 июнь

Хушмуомала ва босиклигингиз куплаб муаммоларни хал этишда кўл келади. Руй бераёттан вокеаларни тахлил килиб, кимлар содик дуст эканлигини билиб оласиз. Ота-онангизни бориб кўришга вақт

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь - 22 июль

Бажараёттан ишингизда муваффакиятларга эришасиз. Хизмат пиллапоясидан осонгина юқорилашингиз мумкин. Айрим танишларингиз сизни кўллаб-кувватлаб, муаммоларни хал этишга кўмаклашишади.



АРСЛОН. 23 июль - 23 август

Ушбу хафтада ишлар анча кўпайиб кетади. Музокаралар олиб бориш ва амалий ишлар учун қулай даврдир. Уз манфаатин-

гиз йўлида қатъият билан харакат қилинг.

БОШОК. 24 август - 23 сентябрь

Дастлаб энг мухим вазифани бажаришга киришишингиз лозим. Толикиб колмаслик учун иш суръатини бироз пасайтиринг. Ду-

шанба муваффакиятли, пайшанба эса омадсиз кундир.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь - 23 октябрь

Мазкур хафтада дўстлар даврасида камрок бўлишингизга тўгри келади. Акс холда кўзланган юмушларни бажаришга улгура олмайсиз. Зарур инглар учун бор куч-кувватингизни аяманг.

ЧАЕН. 24 октябрь — 22 ноябрь ——

Шерикларингиз билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Аммо хаммаси муваффакиятли хал этилади. Якинларингиз билан келишмовчиликлар келиб чикиши эхтимолдан холи эмас.



ЕИ. 23 ноябрь - 21 декабрь

Хаётингизда турли вокеалар руй беради. Дўстларингиздан бирортаси ёрдам сўраса мехрингизни дариг тутманг. Мазкур етти кунликда муносиб ютукларга эриша олмайсиз.

ТОГ ЭЧКИСИ. 22 декабрь - 20 январь

Хафта давомида юзага келган тушунмовчиликлар бархам топади. Оилангиздаги кийинчиликларни тезда бартараф этишингиз зарур. Бошлаб куйилган юмушларни нихоясига етказиб, берган ваъдаларингизнинг устидан чикинг.



- KOBFA. 21 январь - 20 февраль

Келгуси режаларии белгилаб олганингиз маъкул. Кутилаётган хар қандай вазиятга тайёр туришни маслахат берамиз. Якинларингиз ва қариндош-уруғлар ўз ташвишлари билан безовта қилиши мумкин.

БАЛИК. 21 февраль - 20 март

Атрофингиздаги одамлариниг маслахатига амал килсангиз муносиб ютуклар кулга кирити- 1 С. лади. Фойдасиз бахсларда ингтирок этинингиз эхтимолдан холи эмас. Акл-идрок билан иш тугинг.



Узбекистон Республикаси ИИВ рахбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Қоровул қушинлари бош бошқармаси Ахборот-тахлил бўлими бошлиғи, полковник

Вова Мовсесович АМБАРПУМЯНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва якинларига чукур хамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ ППХ ва

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдира-

вафот этгандиги муносабати билан чукур хамдардлик билдирадилар. Тошкент вилояти ИИБ

ри бузруквори

рахбарияти ва шахсий тарки-

би Ангрен шахар ИИБ бўлинма бошлиги, майор Б. Кучкинбоевга ўгли ФАРРУХнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чукур хамдард-

Сирдарё вилояти ИИБ

рахбарияти ва шахсий тарки-

би Ховос тумани ИИБ бош-

лигининг ўринбосари, под-

полковник И. Эгамовга пада-

ХУСАНБОЙ отанинг

МАРХУМЛАРНИНГ ЯКИНЛАРИГА АЛЛОХ САБР БЕРСИН

ЖТСББ рахбарияти ва шахсий таркиби кинолог ходимлар ва қидирув хизмат итларини тайёрлаш маркази бошлиги, капитан Д. Хасановга отаси

Гайбулла ХАСАНОВини

Тошкент вилояти Ангрен шахар ИИБ рахбарияти ва шахсий таркиби бўлинма бошлиги, майор Б. Кучкинбоевга ўгли

ФАРРУХнинг вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик бил-

дирадилар.

лик билдирадилар.

Динара САЪДУЛЛАЕВА, Тошкентшахридаги 9 - мактаб ўкувчиси.



ДИЛ СЎЗЛАРИ

MYKOOOT-MIHOHY, MACINAINSTALEMAK

Гулбахор Амирдинова, ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инс-

пектори, майор: Мен бахтимни касбимдан топган аёлман. Элим, юртим тинчлиги, осойишталигини таъминлашда эркаклар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Куни кеча республика Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган тантанада бир гурух хамкасбларим қатори менга ҳам «Узбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони топширилди. Бундай юксак унвон билан такдирланганим янада фидойилик кўрсатиб мехнат қилишта ундайди. Чунки мукофот сента билдирилган ишонч, масъулият демакдир.

Шавкат Хасанов, Урганч тумани ИИБ ХООГ катта инспектори, капитан:

- Утган 15 йил ичида ички ишлар идораларида катта ўзгаришлар рўй берди. Осойишталик посбонлари яхши яшаши ва баракали мехнат қилиши учун етарли шароитлар яратилди. Улар замонавий милиция таянч пунктларида фаолият кўрсатиб, замонавий алоқа воситалари хамда турли русумдаги транспорт воситалари билан таъминлангани, турар жой бинолари қад ростлагани, ўқув ва жанговар махоратни ошириш майдончалари барпо этилгани ва бошқа куплаб қулайликлар яратилгани фикримнинг далилидир. Шуни гурур билан айтишим мумкинки, мустақиллик йилларида капитан унвонига, куни кеча эса «Узбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонига сазовор бўлдим. Менга билдирилган ишончни албатта оклайман.

139-73-88 139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz

КУШАЛОК **BAMPAM**

ун телефонлар:

Узбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган тахририяти нашри — "Постда" газетасининг қайта ташкил топганлигига хам бу йил 15 йил тўлади.

Газета ўзининг дастлабки сонларидан бошлаб, мухтарам Юртбошимизнинг миллий истиклол сари бошлаган дадил ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келди. 1991 йил 31 август куни республикамизнинг биринчи Президенти И. Каримов олий

> минбардан туриб, Узбекистон мустақиллигини эълон қилган күндан эътиборан газетамиз истиклолни мустахкамлаш, хукуқ-тартиботни сақлаш

борасида олиб борилган ишларни кенг халқ оммасига етказиб боришда олдинги ўринларда бўлишга харакат қилди. Хозирги кунда

хам бу устувор вазифа Бирлашган тахририят томонидан собитқадамлик билан давом эттирилмокда ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Укувчиларимиз эътиборига "Постда" газетасининг 1991 йилги илк сонлари ва 2006 йилги сонлари хавола килинмокда.





ГУЛЛА, ЯШНА, ХУР ЎЗБЕКИСТОН!





ишкинг билан енурман, ватан!



Зикрилла Неъматов - 1961 йилда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида тугилган.

Ички ишлар идораларида фаолиятини 1985 йилда **Гиждувон тумани ИИБ милиционери вазифасида бош-**

2001 йил ноябрь ойидан буён республика ИИВ ЕХОТМ Илмий-тадқиқот ва тахрир-нашриёт булими бош мухаррири лавозимида ишлайди. Унвони подполковник.

У анча йиллардан буён бадиий ижод билан шугулланади. Унинг «Иккимизнинг ёник ишкимиз», «Юртим навоси», «Ватан ва мухаббат», «Қайтар дунё», «Остонадан бошланар Ватан», «Мухаббатсиз яшаб бўлмас», «Спитаменнинг сунмас кушиғи», «Муҳаббат меҳроби»

номли назмий ва насрий китоблари чоп этилган.

У 2006 йил январь ойида Узбекистон Езувчилар уюшмаси аъзолигита қабул қилинган. Иқтидорли ҳамкасбимиз шу кеча-кундузда эл-юрт осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг порлоқ хотирасига бағишланган «Касамёдга содик колганлар» номли достонини тугаллаш арафасида.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чикишида сизнинг фикрларингизни билиш пиятидамиз. Таклифларингиз булса, мархамат, бизга кунгирок килинг!

Хафтанинг шанба ва якшанба куплари эса куйидаги телефон оркали мурожаат қилишингиз мумкин: 0 (371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача Телефон: (371) 139-73-88

Тох ўзима «Кимман?» дея савом вергум, Оташдирман ё ўтдирман, ё нурман мен?! РОртип, сени озод курив, куксим кергум, Хар бонг ойдай жамолинга қонурман мен, Багрим ёнив, газав игра қолурман мен,

Кузим очиб курганим сен, хур маконим, Жаннатлардан хам зиёда, гул маконим, Эй, то абад дунёга машхур маконим, Куёшдай хур чехрангдан завь олурман мен, Ватан, сенинг ишкинг билан ёнурман мен!

Мукаддас, зар тупрогингнин гарди булиб, Шовумаган чинорингнинг барги булив, Жафокаш, пард элимнині хамдарди бўлиб, Утмишингни ўйлав, ўйга толурман мен, Ватан, сенинг ишкинг билан ёнурман мен!

Шукроналар аймив бахму мингинг угун, Бир пойдевор вўлай, майли, синчин учун, Бахш айлавон сенга умрим, қалбим кугин, Кундан-кунга купа біўлив ворурман мен, Ватан, секинг ишкинг вилан ёнурман мен!

Гар багрингда саргайган бир хасни курсам, Макдиринна вепарво бир касни курсам. Нон-тузингни унутган нокасни курсам, Ватан, сенинг ишкинг вилан ёнурман мен! Ватан, сенинг ишкинг вилан ёнурман мен!

> Сени севток — хар кун киман савобитдир. Мупрозингни ўплок эзгу тавофиндир, Евузнарга нафрат кескин жавовиндир. Мо бирикман, ёвга кирон сомурман мен. Ватан, сенин ишкин вилан ёнурман мен!

> Гох вошимда куёш булив вальийдиреан, Гох кузимда кузёш булив қалқийдиреан, Men kemypnan, cen авадий, выхийдиреан, Кугогингда вир нур візмів комурман мен, Ватан, сенинг ишкинг вилан ёнурман мен!



ГБАЙРАМИНГИЗ КУНГИЛЛИ УТСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! Г

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari **Ulug'bek MAMADALIYEV** Mas'ul kotib Erkin SATTOROV Navbatchi: Qobiljon Shokirov Sahifalovchilar: Zokir Boltayev Nikita Slavgorodskiy Matn ko'chiruvchi: Go'zal Jafarova

Koʻchirib bosishda «Postda»dan olinganligini koʻrsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qoʻlyozmalar tahlif qilinmaydi va qaytarilmaydi. Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi. Kelgusi sonda

uchrashguncha xayr!



MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajably ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51 E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yoʻli» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyotmatbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 ragam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2772. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55122 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180, Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. (N)- Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.